

ТУФОН ТАЛОФАТ КЕЛТИРАДИ



Австралиянинг шимоли шарқида юз берган туфон денгиз соҳилидаги бандаргоҳга талофат келтирди. Бандаргоҳдаги кемаларнинг бирига урилган тўлқин "Пасефик адвенчурер" кемасининг 60 та контейнерини ва уларга ортлган аммиак селитрасини оқизиб кетган.

3

МЕХР ҚУЁШ БЎСА, МУРУВВАТ ЗАМИНИ



Озод Шарафидиновнинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон фан арбоби унвонлари, "Меҳнат шўхрати", "Буёқ хизматлари учун" орденлари билан тақдирланди.

4

БИЗ - ЮРТ ТАЯНЧИМИЗ



дейишмоқда қўрайлик «Ёш Адолатчилар» — Бугунги учрашув менда унутилмас таассурот қолдирди, — дейди коллеж ўқувчиси Хушвақт Ғофуров. — Чунки ёшларга оид қонунлар қандай такомиллаштирилаётгани ҳамда парламент фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдим.

2

БУГУНГИ
СОҲБА:

АДОЛАТ

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

№ 11
(715)
2009 йил,
13 март,
жума

O'zbekiston
ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чىққа бошлаган

Тошкентнинг 2200 йиллиги олдидан

ЭНГ ХУШМАНЗАРА ШАҲАР



Жорий йилда азим Тошкентнинг 2200 йиллиги кенг нишонланади. Аини дамба мазкур шодийнага тайёргарлик ишлари қизгин давом этмоқда. Қадим ва навқирон пойтахтимизнинг бетакрор таровати, хушманзара табии ва файзли гўшалари ҳеч би кишини бефарқ қолдирмайди. Гўзал Тошкентнинг кенг кўчаларида кўлаб сайёҳларни учратиш мумкин. Уза мухбирлари улардан айримларининг пойтахтимиз ҳақидаги таассуротлари билан қизикди.

Хавьер Гарсиа РОДРИГЕС (Испания):

— Тошкентга илк бор келишим. Шаҳар менга ниҳоятда ёқди. Ширинсухан ва меҳмондўст халқингиз қалбимда ўзгача меҳр уйғотди. Пойтахтингиздаги диққатга сазовор жойлар — тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар ва муқаддас қадимжоларни томоша қилиб, баҳри дилим очилди. Замонавий ва миллий анъаналарни ўзида мужассам этган бинолар биз каби сайёҳларнинг эътиборини тортиши табиий.

Испанияда изғирин совуқ ҳукм сураётган бу вақтда Тошкентда баҳор нафаси уфуриб турибди. Мусоффо осмонингизда кўёш чарақлаб, майин эсаётган шабада ҳақиқий баҳор кайфиятини ҳис қилишимга имкон берди. Мен бундан жуда бахтиёрман. Беҳиз Ўзбекистонни жаннатмонанд ўлка, деб таърифламас эканлар. Саъҳатим асосида мен бунга амин бўлдим.

Хуа Го ФЕН (Хитой):

— Мамлакатингизга хизмат юзасидан кўп келиб кетаман. Бу гал пойтахтингизда ўтказилган "UzBuild-2009" халқаро кўргазмасида иштирок этиш ниятида келдим. Шу бахона Тошкентдаги муқаддас қадимжоларни яна бир бор зиёрат қилдим. Уларни томоша қилиш менга катта руҳий қувват беради. Хар келганимда шаҳар янгича гўзал киефа қасб эътиётганига ғувох бўламан.

Бу йил Тошкентнинг 2200 йиллик юбилеи нишонлаши менга яқини маълум. Халқингиз бу шодийнага катта тарадуд кўраётганининг ғувох бўлдим. Ушбу навқирон ва қадим шаҳар неча асрлардан бунён ўз маҳобати, меъморий обидалари, алломалари, хушмуомала ва меҳмондўст халқи билан барчани ҳайратга солиб келмоқда. Дарҳақиқат, гўзал юртининг инсонлари ҳам гўзал бўлади. Ўзбек халқининг хулқ-атворидан, маданиятидан ўрнак олса арзийди. Ўзбекистонда ўзини доимо хотиржам ва бахтиёр ҳис этаман. Ушбу муқаддас динерга қайта-қайта келигим келаверади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, меннинг ўзбек муомтоз қўшиқларида бўлган меҳрим баланд. Санъат дурдоналари саналмиш куй-қўшиқларингиз мени оҳанрабодек ўзига тортиди. Уларга чандон меҳрим туфайли яқинда ўзбек миллий чолғу асоси — танбур харид қилдим.

Анил ШАРМА (Хиндистон):

— Институтда ўзбекистонлик бир йигит билан бирга таҳсил олган эдим. У ўзи турғилиб ўстан она шаҳри — Тошкент ҳақида жуда кўп гапирарди. Уша дўстим мени ўз Ватанига, ўз шаҳрига — Тошкентга таклиф қилди. Мана, ниҳоят орзуим ушлаганидан жуда хурсандман. Юртингизга илк саъҳатим гоят мазмули ўтмоқда. Унинг давомида тарихий шаҳарларингиз — Самарқанд, Хива ва Тошкентдаги кўлаб диққатга сазовор жойларни кўриш бахтига мувофас бўлдим. Ўзбекистонда гўё ҳайрат дунёсига сайр қилгандек бўлдим.

Тошкентга келишим билан дўстим мени биринчи галда шаҳар марказидаги Мустақиллик майдонига олиб борди. Унинг тароватини таърифлашга сўз ожизлик қилди. Майдон, у ердаги Мустақиллик ва эгулик монументи, бинолар ўзининг улғуворлиги билан мамлакатингизнинг улкан салоҳиятини ифодалайди.

Ўза мухбирлари

Мадина ХУСАИНОВА, Ирода УМАРОВА ёзаб олди.

Парламентда



ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИДА

яна 11 та жинойят турига ярашув институтини қўлаш таклиф этилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмоил Саифназаров бошқарган йиғилишда мамлакатимиз ҳаётига доир бир неча муҳим қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Дастлаб депутатлар "Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Давлат чегараси тўғрисида"ги Шартномани ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Шундан сўнг "Ўзбекистон Республикаси Жинойят кодексининг 611-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан қуйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси Абдил Тўхташевнинг маърузаси тингланди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Масалан, 2001 йилда биргина ярашув институтини қўлаш амалиятининг жорий этилиши соҳа фаолиятида

янгича қадам бўлди. Маълумотларга қўра, агар 2002 йилда ярашганлиги муносабати билан 8,7 миң нафар шахс жинойий жавобгарликдан озод этилган бўлса, 2008 йилда бу рақам 21,8 миң нафарга етган. Энг муҳими эса, ўтган давр мобайнида ярашув институтини қўлаш орқали кўлаб қонун бузилиш ҳолатларининг олди олинди. Қонунбузарларнинг аксарияти қайта жиноят кўчасига кирмади.

Авалло ярашув институти социал-демократия голярига ҳамоҳанг эканлигини таъкидлаш жоиз, — деди А.Тўхташев. — Мазкур институти илк жорий этилганида истисно тариқасида 27 та жиноят турига ярашув ҳолати қўлланилиши назарда тутилган эди. Кейинчалик бу амалиётда ўзини оқлаганлиги боис ярашув институти янада такомиллаштирилди.

Ҳозирда Жинойят кодексининг 31 та моддасида назарда тутилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва асосан шахсининг жисмоний дахл-сизлигига таъвоуз қилиш билан боғлиқ 42 та жиноят турига ярашув институти қўлланиб келинмоқда. Янги қонун лойиҳасида содир этилиш характери ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси мазкур жинойий қилмишларга ўхшаш бўлган яна 11 та жиноят турига ҳам ярашув институтини қўлаш таклиф этилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини қизгин муҳокама қилиш асосида таклиф ва тавсиялар беришди. Шу билан бирга лўйиҳа аҳамияти юзасидан ўз фикрларини ҳам билдиридилар.

— Ярашув институти айбдор шахсга содир этган қилмиши учун масъулиятни ҳис этишга ва пушаймонлигини

билдиришга яна бир имкон беради, — деди фракция аъзоси Зуҳра Ботирова. — Яна бир афзаллиги шундаки, жабранувчига этказилган моддий зарарнинг ижтимоий равишда, кечиктирмасдан қоплашини таъминлайди.

Фракция аъзолари биринчи ўқишда "Археология меҳроси объектларини муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳам атрафлича муҳокама қилдилар.

Мамлакатимиздаги барча археология объектларининг аниқ сони, афсуски, ҳали маълум эмас, — деди Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси Насимжон Алимов. — Археология институтининг маълумотларига қўра, уларнинг сони 8500 атрафлича. Маданият ва спорт ишлари вазирилик тақдим этган маълумотда эса, археология объектларининг 3945 таси рўйхатдан ўтганлиги айтилган. Фаолиятни тартибга солишдаги умуммажбурий норматив ҳужжатнинг мавжуд эмас-

лиги археология объектлари ҳисобини юритишга доир ягона ёндашув йўқлигини кўрсатади.

Таъкидландики, бугунги кунда археология тадқиқоти, хусусан, унинг турлари археология қидирувлари, археология қазилмалари ва археология назоратини амалга оширишни тартибга солишга ягона ҳуқуқий ёндашувга зарурат бор. Шу туфайли ушбу қонун лойиҳасининг иш-лаб чиқилаётгани муҳим аҳамият касб этади.

Депутатлар "Давлат бюджетининг газна ихроси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда, "Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқишди.

Қўрилган масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари белгилан олди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
"Адолат" мухбири.

7 кун нафаси

МУҲИМ МАВЗУГА БАҒИШЛАДИ

Республика Марказий банки томонидан "Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда ипотека ва истеъмол кредитларининг аҳамияти" мавзусида матбуот анжумани уюштирилди. Унда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий қўлаб-қувватлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини изчил ошириб бориш — ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида турганлиги, бу борада тижорат банкилари орқали ажратилаётган ипотека ва истеъмол кредитлари гоят муҳим аҳамият касб этаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Масалан, 2008 йилда тижорат банкилари томонидан республика аҳолисига жами 240,9 миллиард сўм миқдорида ипотека кредитлари йўналтирилди. Бу 2007 йилга нисбатан 73,3 фоиз кўп, демакдир, "Ёшлар йили" дастури доирасида эса ёш оилаларга ажратилган имтиёзли ипотека кредитлари ҳажми 69,7 миллиард сўмни ташкил этди.

ХАЛҚАРО КўРГАЗМА

Пойтахтимизда бўлиб ўтган "Курйилиш ва интерьер, иситиш ва вентиляция — Uz Build — 2009" халқаро кўргазми ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда чет эллик ҳамкорлар топишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур нуфузли анжуманда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан бирга, соҳада етакчилик қилаётган хорижий чет эл компаниялари ва фирмалари иштирок этишди. Унда 30 та давлатдан 500 дан зиёд компания ҳамда фирмалар қатнашиб, таклиф қилинган маҳсулотлар ҳажми олдинги даврга нисбатан 150 фоизга ошганлиги қайд этилди. Жумладан, Австрия, Беларусь, Германия, Дания, Исроил, Эрон, Италия, Хитой, Туркия, Люксембург, Польша, Россия, Швеция сингари давлатлардан 100 дан ортиқ компаниялар кўргазмада ўз маҳсулотларини тақдим қилдилар.

Янги иш ўринлари

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Жиззах вилоятининг Фориш, Фаллаорол туманларида янгилаш ва яшарлиқ фасли — Наврўз байрами олдидан янги иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Ярмаркада ҳар икки турманнинг 60 дан зиёд қорхона ва тақчилотлари 250 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Унда 120 нафар киши муҳим иш ўринларига жойлашиб, ўз оилалари даромадларига даромад қўшадиغان бўлди.

ПАРИЖДА «ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ»ГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ

Мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонасида «Авиценна-Франция» уюшмаси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинишига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Учрашувда «Авиценна-Франция» уюшмаси аъзолари, Франция парламенти, сиёсий ишбилармон ва жамоатчилик доиралари, ЮНЕСКО ва Парижда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари вакиллари иштирок этишди.

Брифинг қатнашчилари «Қишлоқ тараққиёти ва

фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган асосий тадбирлар тўғрисида ахборот берилди. Хусусан, юртимизда қишлоқ жойлари инфратузилмасини ривожлантириш, турар жойлар қуриш, қишлоқ аҳолисини табиий газ, ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминлаш, йўллар, транспорт ва

коммуникациялар аҳолини яхшилаш, қишлоқ ҳаёти ва маданияти даражасини кўтариш масалаларига устувор эътибор қаратилиши таъкидланди.

Шунингдек, қишлоқда ишлаб чиқариш саноати ва қурилишни ривожлантириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ихчам қайта ишлаш қорхоналарини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳам муҳим вазифалардан саналиши қайд этилди. Мазкур тадбирларни амалга

ошириш эвазига қишлоқ аҳолисини, айникса, ёшларни иш билан таъминлаш, аҳоли даромади ва турмуш фаровонлигини яхшилашга эришилади.

Алоҳида эътибор қишлоқ ҳўжалигидаги илохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий асосини мустаҳкамлаш, янги имтиёз ва имкониятлар бериш, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг табиий маданиятини ошириш, таълим-тарбия тизими сифатини ва моддий базасини кучайтиришга қаратилади.

(Давоми 3-бетда.)

«Инқирозга қарши чоралар дастури» амалда

ИЗЛАНИШ ИМКОНΙΑТНИ КЕНГАЙТИРАДИ

Мутахассислар хорижий мамлакатларнинг бозор шартлоари ҳамда энгил санонат маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёлларини ўрганмоқда

Бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган истеъмол товарлари билан тўлдириб мақсадда аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарур. Бунга эса энгил санонат қорхоналарини техник жиҳатдан модернизация қилиш учун қўшимча маблағларни киритмасдан эришиш қийин. Шу жиҳатдан соҳага чет эл инвестицияларини жалб қилиш, экспорт қилувчи қорхоналарнинг давлат томонидан қўлаб-қувватлаши қорхоналар учун айланма маблағларни тўлдириб, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятини яратди. Бугунги кунда жаҳонда молиявий инқироз кузатилаётган бир пайтда энгил санонат-

ни ривожлантириш борасида мутахассислар шундай фикр билдиришмоқда.

Ҳозир жаҳон бозорида пахтанинг нархи тушиши натижасида ундан тайёрланадиган маҳсулотлар нарх-навоиси ҳам бирмунча пасайди. Молиявий инқироз шунчалик тез рўй бердики, ҳатто энгил санонатга ихтисослашган дунёдаги қўлаб фирма ва қорхоналар ҳам ўзини ўнглашга улғура олмади, банкротлик ҳолатига келиб қолди. Айнисан, соҳада илгэр давлат саналган Туркия учун энг катта харидор — Россия бозорининг деярли ёпилиши тадбиркорлар учун қаттиқ ва қутилмаган зарба бўлди.

(Давоми 3-бетда.)

ПАРИЖДА «ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ»ГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Тадбирда сўзга чиққан «Авиценна-Франция» уюшмаси президенти Марк Бонел Президент Исро Каримовнинг мамлакатдаги ҳар бир янги йилни маълум бир ижтимоий аҳамиятга молик мавзуга бағишлаш ўз вақтида қабул қилинган қарор эканига эътибор қаратди.

— Айни пайтга келиб мазкур сиёсат ўз самарасини бермоқда. Бунга аҳоли фаровонлигини юксалтиришга бағишланган ижтимоий сиёсат муваффақиятли тарзда ҳаётга тadbир этилаётгани яққол далил бўлиб хизмат қилади, — дейди олим. — Ўзбекистон раҳбари томонидан 2009 йилнинг «Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши аҳолининг деярли ярми қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода мен Президент Исро Каримовнинг «Қишлоқ аҳолининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш ва умуман, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ривожига ривож қўшиш, унинг самардорлигини ошириш бунинг кунда энг долзарб, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган муҳим бир вазифага айланмоқда» деган фикрига тўлиқ қўшилман.

Марк Бонел шунингдек, аъзоларининг асосий қисми шифокорлар бўлган

«Авиценна-Франция» уюшмаси учун қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи аҳоли саломатлигини асраш тизimini такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади. Шу маънода уюшма Ўзбекистонга ушбу йўналишда амалий ёрдам кўрсатишга тайёр.

Тадбирда сўзга чиққан «Авиценна-Франция» уюшмаси вице президенти, Франциянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Жан-Клод Ришар Ўзбекистонда ўтказган йилларини хамиша илиқлик билан эслашини қайд этди.

«Ўзбек халқи ўз бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги билан ажрالیб турадики, юртингизга келган ҳар қандай хорижий мамлакатнинг қай бир қисмида бўлмасин, ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлади, ўзини худди ўйдагидек қўлай ва хотиржам сезади, — деди у. — Ўзбек халқининг «Меҳмон отангдек улуг» (Ришар жаноблари бу иборани ўзбек тилида айтиб, француз тилида изоҳлаб бериб) деган ажойиб мақоли бор. Ўзбекистонда бўлган ҳар бир хорижий бунга ўзи шахсан амин бўлади.

Ижтимоий сиёсат доими Президент Исро Каримовнинг диққат марказида бўлиб, мустақилликнинг дастлабки йилларидан, Ўзбекистонда аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш, халқнинг тарихи, маданияти, анъаналари, ёдгорликлари, муқаддас қадимлар ва бошқа муҳим жамуалари, Ўзбек халқининг кадриятлари ва меросини қайта тиклашга устувор аҳамият қарати-

тилган. Мен ушбу ислохотларнинг барчасига ўзим гувоҳ бўлганман. Мисол сифатида шунни айтмоқчиманки, шахсан Президент Исро Каримов ташаббуси билан Нукус музейи қайта тикланиб, янги, замонавий ва гўзал бинодан жой олди. Илгари бу музейдаги асарлар яроқсиз шароитда сақланарди. Бугун эса мазкур музейнинг дунёга довми кетган санъат дурдоналари билан барча, жумладан, хорижий меҳмонлар ҳам бемалол танишиш имкониятига эга.

2009 йилнинг Ўзбекистонда «Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши мамлакатда муваффақият билан амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг муҳим бир қисмидир.

«Авиценна-Франция» уюшмаси аъзоси, Франция транспорт, ускуна, туризм ва денгиз ресурслари вазирлиги туризм бошқармаси собиқ бошлиғи Ф. Пьеренинг айтишича, «Қишлоқ жойларини ривожлантириш бўйича Францияда тўлган таърих бундан шундан далolat берадики, барча минтақаларнинг тенг ва мутаносиб тарздаги ривожини мамлакат иқтисодийнинг умумий тузилмасига ажибий таъсир кўрсатади. Шу маънода, Ўзбекистонда тасдиқланган Қишлоқ тарақиёти дастири қишлоқдаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма, транспорт ва коммуникациялар, инженерлик тармоқлари ривожига туртки бериб, бунинг натижасида қишлоқ

Оловдан сақланинг!

Телевизор кўриб ўтириб, хориж хабарларида энгин юз берган баъзи мамлакатлардаги катта-катта йўқотишларни, куйиб қул бўлган экинзорлар, ўрмонлар ва ҳатто бутун-бутун аҳоли манзилгоҳларига, энг дахшатлиси, одамлар тилсиз ёв қурбонлари бўлаётганларига ачинасан, киши.

ЭХТИЁТКОРЛИК — МУҲИМ ОМИЛ

Хизмат вазифадан келиб чиқиб, шундай кезларда беҳиштир ўйлаб қолман: энгилар ўз-ўзидан пайдо бўлмагандир, ахир? Кимнингдир лойқадлиги, бепарволиги сабаб бўлганлар. Афсуски, бундай ҳоллар жойларда гоҳ-гоҳида бўлса-да учраб турибди. Ана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш чора-тадбирлар орасида энг ишончли омили, бу — эҳтиёткорликдир.

Юртимизда кўнлар исиб, баҳорнинг экин шабадалари эса бошлади. Аҳоли кўп каватли уйлари энини, дала ҳовли эки томокчаларни чиқиндилардан тозалаша киришди. Касбим тақозосидан келиб чиқиб, юртдошларимизга қуйидаги тавсияларни бермоқчиман: худуд, беҳудда олов ёқишга уринманг, уйларида, ертўлаларида, дала ҳовли саҳилларида тез алағна оловчи (бензин, керосин, асетон) сувоқликларни сақлашда эҳтиёт бўлинг. Улар ёнида олов, шам ёқиш, гугурт қақиш, сигарет чекишдан тийилинг. Қул бола электр печларидан фойдаланманг. Уйингиз эки ҳовлигизга тортилган электр тармоғининг созлигини мутахассислар назоратидан ўтказиб туринг, चुки, баъзан электр симлари орасидаги қисқа туташув ҳам энгин чиқишига сабаб бўлади.

Шунингдек, болаларингизнинг олов билан ўйнашига рухсат берманг. Шунда, тилсиз ёв оқибатларидан ўзинимиз ҳам, мулкимизни ҳам асраган бўламиз.

Ғайрат УМАРОВ,
Тошкент шаҳар ЕХБ 12 ХЕХО инспектори.

ИЗЛАНИШ ИМКОНИЯТНИ КЕНГАЙТИРАДИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Айни пайтга жаҳонда бу каби бир-бирига ўхшамас ва кўтилмаган ҳолатлар рўй бераётганлигини кўриб, юртимизда бунинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳар биримизни қизиқтириши, табиий.

Сайёрамизда ўтган йилнинг ўрталарида, молиявий инқироз шабадалари эсаётган бир пайтда ҳукуматимиз томонидан аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва тез фурсатда амалиётга жорий қилинди. 2008 йил 28 ноябрда «Иқтисодийликнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастири тўғрисида»ги Президентимизнинг Фармони ва 2009-2012 йилга мўлжалланган «Инқирозга қарши чоралар дастири» шулур жумласидандир.

«Ўзбекенилсанот» Давлат акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, айни пайтда экспорт қилувчи корхоналарнинг қарзларини таркибий ўзгартриш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига, етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича пеняларни ҳисобдан чиқариш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш, мақсулот таннархини камида 20 фоизга пасайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, экспорт қилувчи корхоналар қарзини таркибий ўзгартриш мақсадида Республика комиссияси тузилган бўлиб, унга 2009 йил 1 январь ҳолатига кўра мuddати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартриш ҳамда бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича экспорт қилувчи корхоналарга етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун қарзларни тўлаш мuddатини кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имконияти ҳамда кўрсатиб ўтилган қарзлар бўйича ҳисобланган пеняларни ҳисобдан чиқариш ҳуқуқи берилган.

Ўзи ишлаб чиқарган товарларни экспорт қиладиган корхоналарга молиявий қийинчиликларни бартараф этиш учун мақсадли маблағлар ҳисобига кредитлар берилиши ишлари йўлга қўйилди. Айтиш ўринлики, бундай кредитлар ҳар қандай корхона ва ташкилотга берилавермайди. Талаб шунки, аввало экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган мақсулотлар ишлаб чиқардиган, муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга



● 2008 йилда «Ўзбекенилсанот» ДАК компанияси томонидан қанчалар ривожлантириш натижасида қарийб 1600 нафар аҳоли иш билан таъминланди.

● 2008 йилда «Ўзбекенилсанот» ДАК компанияси томонидан қанчалар ривожлантириш натижасида қарийб 1600 нафар аҳоли иш билан таъминланди.

● Утган йилда компания 405,0 миллион доллар микдорда мақсулот экспорт қилди, ўсиш 101,1 фоиз.

● 139536 млн. доллар микдорда жамғарма қўйилмалари ўзлаштирилди, шунингдек, чет эл инвестициялари ҳам жалб этилди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳақида тўқимачилик бўмларининг улushi 50 фоиздан ортук, саноат ишлаб чиқариши ҳақидаги улushi эса 25-30 фоизни ташкил этади. Хар йили 400 миллион АҚШ доллари микдорда тўқимачилик хомашеси ва тўқимачилик бўмлари экспорт қилинади. Президентимизнинг «2008-2010 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш Дастири тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ корхоналарнинг технология жиҳазларининг янгилаш ва модернизация қилиш концепцияси қабул қилинган бўлиб, унда 473,45 миллион АҚШ доллари микдордаги 66 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш назарда тутилган. Утган 2008 йилги маълумотларга кўра, компания томонидан 51 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, чет эл инвестицияларининг ҳажми 269,2 миллион АҚШ доллари ташкил этди.

Юртбошимизнинг «Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорига мувофиқ 2006-2010 йилларга мўлжалланган ипакчилик саноати корхоналарини янада модернизация қилиш учун инвестицияларни жалб қилиш Дастири қабул қилинди. Дастирга кўра, 17,13 миллион АҚШ доллари микдордаги 13 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш назарда тутилмоқда.

— Молиявий инқироз ўтган йил ўрталарида бошланганига қарамай, «Ўзбекенилсанот» ДАК 2008 йили 120 фоиз ўсиш билан якулида, — дейди компания техника сиёсати ва истиқболни белгилаш бош бошқармаси бошлиғи муовини Аваз Муҳитдинов. — Бу 2007 йилга нисбатан 20 фоиз кўп демакдир. Олиб борилган ишлаш ва харакатлар натижасида 2009 йилнинг январь-февраль ойларида мақсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 105,3 фоиз ўсди. Бу ҳали ҳаммаси эмас, ҳозир тадбиркорларимиз Лотин Америкаси давлатлари ва бошқа хорижий мамлакатларга бориб, уларда бозор имкониятларини ва энгил саноат мақсулотларига бўлган талаб ва эҳтиётдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, мақсулотларнинг экспорт қилини янада ошириш мақсадида тегишли ташкилотлар билан музокара қарамай, соҳада ишлашлар давом этмоқда. Бу эса имкониятларини янада кенгайтиришга замин яратди.

Бейбул БОТИРОВ.

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Андижон вилоятининг Марҳамат туманида «Марҳамат ип-йигирув тўкув» очик акциядорлик жамияти ўз фаолиятини бошлади.

Собиқ ип-йигирув фабрикаси ўрнида ташкил топган мазкур корхонада қарийб 300 нафар иш ўринлари яратилди. Корхона йилига 2,5 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш имконига эга. Тайёрланган мақсулотнинг 80 фоиз экспортга мўлжалланган.

— Корхонамиз «Ўзмиллийбанк» ажратган кредит ва акциядорлик жамия-

Қилмиш — қидирмиш

“КАРВОН”ДАГИ КИРДИКОР

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар доим ўз манфаатини ўйлайди. Бу йўлда ҳар қандай гирромликларни амалга оширишдан таймайдди. Натижада улар жуда кўпчиликнинг манфаатида гулур этказиб билан бирга баъзида конун-қондаларини ҳам четлаб ўтишга эришади. Бирок, бузоқнинг югургани сомонхонага, деганларидек, бир қуни улар барбир қонун олдида жавоб беришга мажбур. Ана шунда улар хато қилганликларини англаб етиб, қаттиқ пушаймон эканликларини айтиб эзорлинишади. Лекин, сўнгги пушаймон, ўзингизга душман...

Дарвоқе, Уттепа тумани давлат солиқ инспекцияси мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган фуқароларга давлатимиз томонидан кенг имкониятлар яратиб берилаётгани, қолаверса, назорат қилувчи органлар уларнинг фаолиятига ҳудуд-беҳудда аралашиларишга конунан чек қўйилгани ҳақида тадбирлар ўтказиб келмоқда. Бундан керакли хулоса чиқариб олган кўпчилик тадбиркорлар танлаган йўли нақадар тўғри эканликларига амин бўлаётти, иқтисодий имкониятлари ва имтиёзлари кун сайин ортиб бораётти. Ахир, ўзингиз иш олиб бораётган жойингда, текширувчи келадими, бошқармаси хем кимдан ҳадиксирамай бемалол ишлашингизга нима етсин. Бирок...

Инспекция томонидан жорий йилнинг 1 март ҳолатига «уچار тадбиркорлар» ноқонуний йўллар билан олиб келган сифатсиз 54 миллион 300 минг сўмлик товар моддий бойликлар олиб қўйилиб, 18 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Тумандаги «Карвон бозори» худудида савдо қиладиган ў.Бўриевнинг қилмишлари эса ҳаммасидан ошиб тушди. У бозор худудида ҳеч қандай ҳужжатсиз фаолият юритиб, қийим-кечак савдоси билан мунтазам шуғулланиб келган. Бунга бозор мутасаддилари ва маъсуллар панжа орасида қараб қилишган. Утказилган текширувда унинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди, унга тегишли 5133,0 минг сўмлик қийим-кечак мақсулотлари олиб қўйилиб, жиноят ишлари бўйича туман суди орқали давлат фойдасига мусодара қилинди.

Шукур ТУРОПОВ,
Уттепа тумани ДСИ бўлими бошлиғи.



Мурожаатлар «Адолат» эйтиборида

ЖИНОЯТ СИРЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

... 2005 йил 18 июль кунини ўғлим Хайрулла жўраларининг олдига бораман, деб Кажавали мотоцикли билан уйдан чиқиб кетган эди. Шу кунини кечгача ундан дарак бўлмади. Хаммамиз хавотирга тушдик.

Ўғлим Саъдулла билан Баҳром Мирзаевники бордик. Қай кўз билан қарайки, Хайрулланнинг кажавали мотоцикли, қийим-бошлари унинг уйида турибди. Баҳромдан ўғлимни сўраганимда, у Ёқуб, Улугбек, Султонлар билан сув омбори ҳавасида дам олишга борганиликларини айтди. Баҳром шунингдек, ўша ерда Хайрулла ечинди, сув омборида қийимлиги ҳамда ўртоқлари бирин-кетин кетиб қолганини таъкидлади. Унинг айтишича, Хайрулла қайтиб келмагач, унинг мототочкилини олиб қайтган. Ўша кечаси ототочкили олиб қайтган. Афсуслар бўлсинки, тонг ёришганда сув ҳаваси киргонида ўн метрлар узокликда ўғлимнинг мурдаси топилди. Бошимизни қаерга уришни билмай, аза очидан ўзга чора қолмади.

Шундан сўнг туман ички ишлар бўлими, прокуратура идоралари томонидан ўғлимнинг ўлими ҳақида суриштирув ишлари бошланди. Текширув ва суриштирувларда ўғлим 2005 йил 18 июль кунини шериклари Баҳром Мирзаев, Султон Очилов, Улугбек Чориевлар билан сув омбори соҳилида ўтиришганлиги маълум бўлди. Шунини қизиқ-қи, ўғлимнинг шериклари қоронғу тушунча уй-уйларига кетишмади. Мен ўғлимни уйга келмаётганидан хавотирланиб Баҳром Мирзаевдан сўраганимдан ва унинг хонасида мотоцикли, қийимларини кўрганимдан кейингина улар номуагина кидирувга тушиди. Бу ҳам етмагандай Баҳром Мирзаев ўша кеча сирини ёпиш мақсадида тун ярмидан оққандан сўнг ўғлимнинг кажавали мотоциклини сездирмай унинг ҳовлисига қолдириб кетган.

Туман ва шаҳар прокуратураси терговчилари А. Муродов ва Ш. Бозоровлар суриштирув, текширув ишларини адалат юзасидан олиб боришмади, назаримда. Чунки қотилларни

сир тутишди. Суд тиббий экспертиза томонидан берилган хулосада Хайрулланнинг бурун ўчи қисмидаги юзага келган қон талашлари, ўтмас қаттиқ жисм таъсирида кесилган жойлар унинг ҳаётийлик даврида содир этилганлиги қайд этилган. Суд тиббий экспертиза хулосасида ўз аксини топган тан жароҳатлари олиб борилган суриштирув ва тергов ҳаракатида умуман инобатга олинмади.

Хайрулланнинг жасади топилган кирдоқ атрофидаги оёқ излари гумондорларининг оёқ излари билан солиштирилиб қўйилмади. Хайрулланнинг тирикчилигида олган тан жароҳатлари ким томонидан, қандай қилиб етказилганлиги, марҳумнинг ички аъзолари таркибига сув бор ёки йўқлиги ҳақида терговчилар эгирча қизиқишмади. Суд тиббий экспертиза ўғлим танасининг юқори қисми сув юзасида, пастки қисми сув ичида турган ҳолда ёттибди, деб хулоса берилган. Ахир, сувга тушиб қўққан одам танасининг пастки қисми сув ичида бўлмаглиги мумкин эмас-ку!

Парда ҳожа ЭРКАЕВ,
Каттақўрғон тумани.

ДУНЁ КЎЗГУСИ

МУХОЛИФАТ ИМЗО ТўПЛАЯПТИ

Грузияда муҳолифатдаги 9-та партия Президент Михаил Саакашвилининг истефого қилишини талаб қилиб, ҳудудлар бўйлаб имзо йиғишни бошлади.

Телави, Гори, Зестафони, Поти, Душети, Батуми, Озургети, Ахалцих, Марнеули, Гардабани, Руставе, Сенаки, Гуржуаани, Самитредия, Зугдуди, Кутаиси каби 16 та йирик шаҳарларда имзо йиғиш жараёни қизғин кечди. Утган ҳафта мамлакат поштахти — Тбилисида ҳам имзо йиғиш беш кун давом этиб, 48347 нафар фуқаро Саакашвилининг президентлигини истефого беришини талаб қилиб имзо тўплади.

Мақкур тадбир мамлакатда 9 апрелгача давом этади ва ўша унчи ҳошимат элмасишувини конституцион йўл билан амалга оширолмай бўлаётган муҳолифат сиёсатдорлари оммавий норозилик намоиши ўтказишни ҳам режалаштириб турибди.

ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ҚАШШОҚЛИК КЕЛТИРАДИ

«Washington Post» газетаси хабар қилишича, жаҳон банки экспертлари тайёрлаган маърузада иқтисодий инқироз 2009 йилнинг ўзига 48 миллион кишини қашшоқлаштириб қўyadi.

Табиийки, бу ҳол йирик-йирик компанияларда иш ўринларининг қисқариши ва ойлик иш ҳақларининг пасайтирилиши тарзида вуқудга келади. Шунингдек, бозор ривожига ҳал қилувчи омил — хусусий сармоялар тушуми даражаси кескин камайиб кетади. Ҳозирги кунда биргина 2007 йилга нисбатан инвестициялар тушуми қўсаткичи 17 фоизга камайган. Экспертлар фикрича, бугунги кунда ривожланаётган 116 та давлатдан 96 тасида иқтисодий ўсиш суръатлари «оқсоқ»лана бошлаган.

ТҮФОН ТАЛОФАТ КЕЛТИРДИ

Австралиянинг шимолий шарқий Брисбена худудига юз берган тропик туфон денгиз соҳилидаги бандаргоҳга талофат келтирди.

Бандаргоҳдаги кемаларнинг бирига урилган туфун «Пасефико адвенчурер» кемасининг 60 та контейнерини ва уларга ортилган аммиак селитраси юкитилган туфуннинг 31 таси бутунлай йўққа чиққан. Тешик контейнерлардан туфуннинг атиги 3 тоннага яқин селитра полубага сочилиб қолган.

Энди мутахассислар таҳминича, кимёвий ўғит сувга аралашиб кетгудек бўлса, фалокат юз берган худуд — Торетон қўлигидеги денгиз ўтлари барвақ ўсиб, экологик муаммо пайдо бўлиши ва денгиз жониворлари ҳаётига ҳаф туғлиши мумкин.

Далдора СОЛНЕВА тайёрлади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Наманган вилояти Кенгаши жамоаси йирикқўрғон тумани партия Кенгашининг раиси

Олимжон ВОЙЧАЕВнинг вафот этганиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.

«Адолат» газетаси таҳририяти жамоаси «Ўзбекистон овози» газетаси бўлим мудири Акбар Жонузоқовга отаси

Абдимурод ЖОНУЗОҚОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МЕХР ҚУЁШ БЎЛСА, МУРУВВАТ ЗАМИН

Атоқли олим, мунаққид, таржимон, публицист ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов замонавий ўзбек адабиёти тароққибиди, кўплаб истеъдодли ёзувчи, шоир ва адабиётшуносларнинг вояга етишида бевосита хизмати сингган бағрикенг устозларимиздан эди. Унинг адабий-танқидий, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий мавзулардаги чиқишлари, жаҳон адабиёти намуналаридан танлаб она тилимизга қилган таржималари доимо юлдузлар, адабий жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди.

Озод Шарафиддиновнинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон фан арбоби унвонлари, "Мехнат шухрати", "Буюк хизматлари учун" орденилари билан тақдирланди.

Замондошлари устозни улкан меҳр ва эҳтиром билан хотирлайдилар. Айни кунларда олим таваллудининг саксон йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан биз қуйида "Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида" китобида (2004 й.) чоп этилган Ўзбекистон халқ шоири Ҳасиб Саъдулла (марҳум)нинг хотира-мақоласини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдим.

Болалик хотираларим билан боғлиқ бир мақолани қоралаб юрганимда "Ўзбекистон овози"да устоз Озод ака Шарафиддиновнинг "Инсон ҳамиша меҳрга муҳтож" сарлавхали мақоласи босила бошлаганини кўриб қолдим. Етмиш беш ёшли пир камрови кенг, муаммоларни ҳам дадил кўтарган бу асар билан яна бир жасорат кўрсатдилар. Бу мақола Озод аканинг меҳр ва муруват ҳақидаги фикрлари бўлибгина қолмай, умр принциплари, бағрикенгликлари ифодасидай туюлди мена.

1961 йилнинг кузида ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг кечки журналистика бўлимига кириб ўқий бошладим. Бу пайтда филология факультети қошидаги ёш ижодкорлар тўрагани Озод ака бошқардилар. Абдулла Орипов, Шуккур Холмиров, Омон Мухтор, Сафар Барноев, Рауф Парфи каби ёшлар бу тўғарақда илк асарларини ўқиб, муҳокама қилишарди. Шулар давраси мени ҳам ўзига тортар, кўп ҳолларда дарсдан қолиб бўлса-да, Озод аканинг машгулотларига келардим. Бир кун берган кўлбўям билан танишиб чиқиб, қорлаб қолдилар — беш-олтита маъшиқимни ажратиб қўйган эканлар.

— Мана бу шеърларингиз дуруста ўқшайди, бошқалар ҳам ўқисин-чи, қани юринг, — деб "Шарқ юлдузи" журнали тахририятга бошлаб бордилар ва шеърят бўлимини бошқарётган шоир Жуманиёзов Жабборов билан таништириб, кўлбўямларини босишга тавсия этдилар. Шундай қилиб, Намангандан келган, қайси тахририят эшигини чертишни билмай юрган чуст дўпчили хаваскор шоирнинг тўртта шеъри журналда босилиб чиқди. "Шарқ юлдузи"да сурати билан шеърлари чикқан одам анча вақт самода юрарди...

Иккинчи курсга ўтганимда эса бирор газета ё журналда ишлаш орузида Ташкент эксквавтор заводидаги электр пайвандчилик ишимдан бўшгандим. Тасодифан Озод акага рўбарў келиб қолдим. — Ишлар қалай, шеърлар ёзилаётми?

— Раҳмат, — дедим. — Ишдан бўшадим, бирор редакцияга кирмоқчиман.

— Э, шунчаки? Редакция эмас, наشريётга ишга кириш керак. Ижод учун наشريёт дуруст.

Озод ака мени етаклаб, ҳозирги "Янги аср авлоди" (аввалги "Ёш гвардия") наشريётга олиб бордилар ва Эркин Воҳидовга рўбарў қилиб, ёрдам беришни сўрадилар. Эркин ака бўлим мудири эдилар, бадий таржима бўйича муҳаррир вазифаси бўш экан-



лигини айтиб, синаб кўриш учун мuddат белгиладилар. Олдиндан айтиб қўя қолай, мен бу масъулиятни ишга тайёр эмасдим, лекин Озод аканинг далда бериб айтган гаплари каминга қанот бағишларди.

Бу воқеаларга қирқ йилдан кўпроқ вақт ўтди. Баҳоли қудрат меҳнат қилдим. Китобларим нашр этилди. Саҳна асарларим ўйналди. Авлодим орасида ўзимга яраша ўрин топдим. Уша илк кунларда Озод аканинг илҳам меҳри, жонқуярлиги менга ниҳолга кўшнинг саховатидай таъсир этганини умрбод хис қилиб тураман.

... Олти йил олдин мана шундай баҳор кунларида менинг ишдан бўшганимни эшитиб қолибдилар. "Жаҳон адабиёти"даги дўстларим Озод ака мени қидираётганини айтиб қолишди. Хузурларига бордим.

— Ташкентда уйингиз борми? — деб қолдилар.

— Йўқ, — дедим.

— Яшаб тургани жой топилар?

— Топилади.

— Эшитишимча, ишсиз қолибсиз. Бизнинг журналга келиб ишласангиз, дедим.

— Раҳмат, Озод ака, — дедим. — Аллақачон ишга жойлашганман.

— Ишлаётган бўлсангиз, яхши.

Тавба, вилоятда яшаб, ишлайдиган бир қаламқашга шунчалик эътибор ва ғамхўрлик! Бунинг замирида ётган туйғу ҳам ана шу Меҳр эмасми?!

Еки олтимиш ёшлик тўйимда довод ошиб ўтишдаи машаққатли бир қаламқашга совға-салом билан қўтулгани борганларини, даврага файз киритганларини-чи? Меҳр бундан ортиқ бўладими?

Балки, устознинг ўз атрофида сочган меҳр нурларидан баҳраманд бўлганлар меҳри ва дуоси у кишини турфа балолардан, маломат ва бўҳтонлардан асраб қолди. Халқнинг меҳрига, давлатимиз раҳбарининг меҳрига муяссар эдди.

Меҳр — кўш деганимда кўш набототни ўз ҳарорати билан яшатгани каби меҳр инсоннинг пинҳон имкониётларини рўёбга чиқариб, уни камолот сари етаклашига имон келтирганими айтмоқчи бўлдим.

Тоабат ўз ажодларини эҳтиром этган халқгина буюкликка мушаррафдир.



КИТОБДАН ИНТЕРНЕТ АФЗАЛМИ?

Мулоҳаза

Бу савол компьютерда "михланиб" ўтириб, кўзининг нурини аямай, қимматли вақтини шамолга совураётган баъзи бир тенгқурларимга эриш туюлар, эҳтимол. Бироқ бу борада менинг ўз фикр-хулосаларим бор.

Тўғри, интернетнинг имкониёти жуда кўп. Ундан олам-жаҳон маълумотларни, ҳар ким ўзини қизиқтирган хабар ва янгиликларни олиши мумкин. Муайян мутахассислик бўйича керакли манбалар ҳам бисёр. Айни пайтда, танганинг икки томони бўлганидек, бу замонавий кўлайликнинг ҳам салбий жиҳатларидан кўз юмиб бўлмайди. Аниқ бир мақсадсиз, саотлаб эрмак учун, шунчаки ўткинчи қизиқувчанлик боис интернетни "варақлаш"дан қандай наф олиш мумкин? Билмадим. Аксинча, бундай машгулот ўқидан, изланишдан чалғитибгина қолмай, миёни кераксиз нарсалар билан тўлдириб ташлайди. Энг ёмони эса, бу машгулотга одатлана қолганга, руҳшуносларнинг айтишича, болада мулоҳаза юритиш қобилияти сусайиб, фикрлаш қўла-ми торайиб борар экан. Қолаверса, интернет орқали топилшиб, чув тушиб қолган айрим йигит-қизларнинг аҳоли бу масаланинг жиддий маънавий-ахлоқий жиҳатлари ҳам муаммоли эканини кўрсатиб турибди.

Мен китоб ўқиш зерикарли, деган тенгдошларим фикрига мутлақо қўшилмайман. Бундай фикрдагиларни содда қилиб ялқов, дейиш мумкин. Чунки китоб ўқиш, биринчидан, диққатни, иккинчидан, саботқатни талаб қилади. Мутлоа жа-раёни — бу ўз-ўзича ижодий меҳнат. Сиз қўлга китоб олгандаёқ жиддий тортасиз, саҳифама-саҳифа ўқиш асосида диққатингиз бир нуктага жам бўлади — сиз воқеалар, образлар, замон ва манзара-лар оламига шўнғийсиз. Ақлий му-шоҳада, ҳайрат, ҳавас, севинч ва ташвиш туйғуларини кеңирасиз. Бундай жонли, таъсирчан жараёни китобдан бошқа бирор-бир буюм ёки техник воситаси сизда ҳосил қила олмайди.

Яқинда, имтиҳонларга тайёрланаётган, атоқли адабимиз Ойбекнинг "Навойи" романини қайта ўқиб чикдим. Асардаги тарихий воқеа-ходисалар тасвирини, шарт-шароит, улғу бобомиз вояга етган му-ҳит, унга замондош бўлган киши-лар, урф-одатлар... Буларнинг бар-часини энг қалин қомуслардан ҳам бу тарзда топиб, ўқиб олишингиз имоний йўқ-ку, интернетга йўл бўлсин. Ҳазрат Алишер Навоий сий-

Маданият хабарлари

Кўзгуда қишлоқ ҳаёти

Жиззах вилоятида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йили муносабати билан "Кўзгуда қишлоқ ҳаёти" мавзусида қишлоқларимиз тарихи ва ҳозирги кундаги тараққиёти, бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг миллий урф-одатлари, қадриятларини ўзда акс эттирган фото-ҳаваскорларнинг Республика кўрғазмаси Жиззах вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Кўрғазмада намойиш этилган асарларда Мирзачўл, Фориш, Жиззах туманлари ва Жиззах шаҳ-ридан иштирок этган фото-ҳаваскорларнинг асар-лари мазмун- моҳияти жи-ҳатидан кўрғазмага таш-риф буюрган талаба ёшлар, мактаб ўқувчи-лари ва жамоатчилик ваки-ларида катта таассурот қолдирди.

Нуфузли ҳакамлар ҳайъатининг ҳулосасига кўра, Мирзачўл тумани-лик Бақитжон Тўлабоева, форишлик Суҳроб Ибрагимовларнинг фото асарлари республика кўрғазмасига тавсия этилди.

БАҲОР ТАРОНАЛАРИ

Жиззахда вилоят ма-даният ва спорт ишлари бошқармаси томонидан Наврўз умумхалқ байрами ҳамда 8 Март — Халқаро хотин-қизлар кунига ба-ғишлаб, "Баҳор таронала-ри" қўшиқлари кўрик-тан-лови ўтказилди.

Танловда Юсуф Мирза-ев, Дилшод Ибрагимов, Назоқат Умарзоқова, Бек-зод Ҳабибов, Фарҳод Фар-монов, Назоқат Қўлдоше-ва ва Анара Раҳматовалар қатор йўналишлар бўйича совринли ўринларни қўлга киритишди.

Фойлибар қимматбахо совгалар билан тақдир-ланди.

Ҳусан БУРҲОНОВ,
Маданият ва спорт ишлари вазири ўрин-ба-ри ходими.

Футбол

ИККИ ГАЛАБА, БИР МАҒЛУБИЯТ

Европа чемпионлар лигаси баҳслари ҳал қилувчи паллага кирган бир пайтда қи-таъмида ана шу мақомдаги Осиё чемпионлар лигаси ва ОФК кубоги учрашувлари бош-ланди. Бу йилдан эътиборан мутлақо янги кўринишда ўтказилаётган Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида Ташкентнинг «Бунёдкор» ҳамда «Пахтакор» жамоалари юртимиз ша-рафини ҳимоя қилмоқда.

Кўрғазма кўра, пахтакорчилар мусобақа-нинг «А» гуруҳида баҳсларга киришган. Дастлабки турда Виктор Жалилов шогирд-лари Бирлашган Араб Амирликларида «Ал-Ахли» (Абу-Даби) жамоаси меҳмони бўлди.

Унда ҳуртлик юрини намойиш этган ҳамюртларимиз галаба қозонишди — 1:2. Тўпларни Одил Аҳмедов ҳамда Зайниддин

Тожиев киритди.

Гуруҳдаги «Ал-Хилол» (Саудия Арабистони) — «Саба Баттери» (Эрон) жамоалари учрашувида дуранг қайд этилди — 1:1.

«Д» гуруҳида иштирок этаётган «Бунёд-кор» футболчилари пойтахтимиздаги «Жа-р» стадионида Саудия Арабистонининг «Ал-Ит-тифок» жамоасига қарши тўп сурдилар. Ушбу учрашув чинакамига моҳир ҳужумчи Анвар Солиевга бағишланди. Унда ҳамюрт-тимиз рақиб дарвозасини икки бор аниқ нишонга олиб, бунёдкорчиларнинг муҳим галабасига улш қўшди — 2:1.

Гуруҳнинг иккинчи ўйинида эса «Сепакон» (Эрон) — «Ал-Шабаб» (Бирлашган Араб Амириклари) 2:0 ҳисобида мезбон жамоа зафар қучди.

Шунингдек, мухлислар ОФК кубоги баҳсларида илк маро-таба қатнашган Фарғона-нинг «Нефчи» футболчилари-нинг ҳам муваффақият қозо-нишини куттишган эди. Бироқ, «А» гуруҳидаги дастлабки уч-рашувда Байрутда «Ал-Аҳад» (Ливан) футболчиларига қарши майдонга чиққан Юрий Саркисян шогирдлари йирк ҳисобдаги мағлубият аламини тортишди — 1:5.

Ушбу гуруҳдаги иккинчи ўйинда «Бусайтин» (Баҳрайн) жамоаси сафарда тўп сури-шига қарамай, «Ал-Тилло» футболчиларини 3:1 ҳисоби-да доғда қолдирди.

Осиё чемпионлар лигаси ҳамда ОФК кубогининг на-вбатдаги тур учрашувлари 17-18 март кунлари ўтказилди.

Мухаббат БОБОҶАРОВА.



Денов туманидаги 73-урта умумтаълим мактаби-да 56 нафар малакали ўқи-тувчилар 762 нафар илмга чанқок ўғил — қизларга таълим бериб келмоқда. Би-лим масканига тажрибали педагог Зулайҳо Пардаева анча йиллардан бери раҳ-барлик қилиб келаётди.

Уқув даргоҳи замонавий ўқув жиҳозлари ва компь-ютерлар билан тўлиқ жи-ҳозланган. Ёшларнинг пух-та билим олишлари учун барча шарт-шароитлар му-ҳайё. Хусусан, мактабдан ташқари ўнлаб тўғарақлар фаолият кўрсатаётгани бо-ларларнинг дунёқарашини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Суратда: мактаб директори Зулайҳо Пардаева ўқув-чилар даврасида.

Музаффар АБДУШУКУРОВ олган сурат.

ЎЗИНИ НАМОЁН ЭТАДИ

Кунлардан бир кун илоҳлар тирик мавжудот-ларнинг табиатини ўзгартириш мумкинлиги, мум-кин эмаслиги, деган масалада тортишиб қолишиб-ди. Юпитер ўзгартирса бўлади, деса, Венера бунга қарши чиқибди. Муаммони ҳал қилиш мақ-садида Юпитер мушуқни қиз болага айлантириб қўйибди ва уни ёш бир йигитга турмушга чиқар-ибди. Белгиланганидек, тўй бўлиб, келин-куёв базмада тўрда ўтиришибди.

— Қара, — деди Юпитер Венерага, — у ўзини қиз боладай тутапти. Ким уни кеча мушук эди, деб айти олади? Шуб-ҳасиз, унинг табиати ўзгарди.

— Бир оз кут, — деди Венера ва хонга сичқонни қўйиб юборибди. Сичқонни кўрган келин жойидан сақраб туриб, ўзини унинг устига ташлабди.

— Ана, кўрдингми, — деди Венера.

Киссадан хисса: асл табиат барибир ўзини намо-ён этади.

ШОХ ГАПИРАДИ

Подачи четга улоқиб кетган эчкини сурувга қўйиб учун хуштак қалибди, сурнай қалибди. Аммо бу уринишлари фойда бермабди. Охири подачи тош отган экан, эчки-нинг шохи синибди. Шунда подачи эчкига: бунинг ўхша-йинга айтма, деб илтимос қилибди.

— Эй, эси йўқ чўпон, мен индамаганим билан шохлар ҳаммасини гапиради-ку! — деди эчки.

Киссадан хисса: яшириб бўлмайдиган нарсаларни яширишга ҳаракат қилма.

ЗИҚНА ОДАМ

Қадимда бир зикна одам бўлган экан. У тилларини боғидаги бир дарах тагига яшириб қўйишга одатланган экан. Ҳар ҳафта келиб тилларини қавлаб олиб, уларга тикилиб ўтираркан. Бунинг себоби қолган ўрғи тилларини қавлаб олиб кетибди. Зикна киши яна хазинасига кўз югур-тиргани келганида, у ерда бўш ўрадан бошқа нарса йўқ эмиш. У сочларини юлиб, қичқириб, қўни-қўшиларини ат-рофига йиғиб, рўй берган аҳолини айтиб берибди.

— Тилларингдан бирор донасини ўрадан олиб кўрган-мисан? — деб сўради қўшниларидан бири.

— Йўқ, — деди у, — мен уларга фақат қарагани келардим.

— Ундай бўлса, яна келиб ўрага қараб кетавер, — деди қўшниси, — у сенга, барибир заъв бағишлайди.

Киссадан хисса: ишлатилмайдиган бойлик йўқдек гап.

Феруза ТУХЛИЕВА таржамаси.

Бир чимдим қулгу

КАМ ГАПИРГАНЛИК УЧУН СОВФА

Аёллар февралда кам гапиришади. Чунки февраль энг қалта ой. Эркақлар эса март ойининг бошида аёлларга совгалар қилишади. Февралда кам гапиришларини учун...

БОТҚОҚНИНГ ХҲҲАЙИНИ

Уйда телефон жириглабди. Гўшақни оила бошлиги — уч қизнинг отаси кўтарибди ва қуйидаги сўзларни эшитибди:

— Бу сенмисан, менинг қурбақачам?

— Йўқ, бу бутқоқнинг хўжайини!

ТЕЛЕВИЗОРДА «ПАНАМА» ЙҲҲ

География дарсида:

— Болтавоғи, бизга «Панама» канали ҳақида гапириб бер-чи!

— Муаллим, телевизи-онимиз бунақа канални кўрсатмайди-да...

ADOLAT
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСІЙ КЕНГАШИ
www.adolat_gazeta.uz

Бош муҳаррир Худоев МАМАТОВ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган
Телефонлар: ҳабудхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64
Маълум: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА;
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Алишер МҲМИНОВ,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Жовдатхон ИНОҶОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Иқбол МИРЗО,
Муҳаммад АЛИ,
Мамазоир ХҲҲАМБЕРДИЕВ,
Мухаррамхон АЗИМОВА,
Рашидан ҲАЙДАРОВ,
Рустан АҲМАДАЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Собир ТУРСУНОВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Талъат МУРОДОВ.

Нашр учун масъул Холтура ШАҲОҶАТОВ
(Бош муҳаррир билирини ўринбосари)
«Адолат»да кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тизқрат мақолалар белгиси.
Нашр индекси — 100
Навбатчи муҳаррир — Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ
Навбатчи — Эмнжон ЙҲҲДИШЕВ